



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

www.maturidijournal.uz

+998971 244-35-36

www.moturidiy.uz

@moturidiyuz

info@moturidiy.uz

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqldir.



2/2023

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давропбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCISA Бош директори

Назир Мухаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCISA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари
бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июньдаги
03-07/4601-сонли хулосаси асосида тайёрланди.



Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Масъул муҳаррир:

Зафар Фахриддинов,

*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

“Мотуридийлик” журнали

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-
сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@motturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Ibrohim Usmonov.

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика)..... 4

Zafar Fakhriddinov.

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари 13

Numonjon Turayev.

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби..... 20

Doston Mustafayev.

“Ҳошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршуносликдаги аҳамияти 28

ДИНШУНОСЛИК

Komiljon Shermukhammedov.

Мисрдаги “Муслмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил 36

Shukrullo Jurayev.

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши 46

Dilfuza Zakirova.

Динлардаги таъқик тушунчасига доир қарашлар таҳлили 55

Elyorjon Saminov.

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич 63

ИСЛОМ ТАРИХИ

Muzaffarkhon Joniyev.

Совет даврида Ўрта Осиё муслмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар)..... 70

Oybek Sotvoldiyev.

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи 80

Sayqal Ahmedov.

Мовароуннаҳр мўғуллар ҳукмронлиги даврида 87

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф Ал-Осор” асари 94

Mas’udkhon Ismoilov.

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирқа” рисоласининг исломдаги фирқаларни ўрганишдаги аҳамияти 104

Zokhidjon Abdullayev.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари 112

Saidmuhammadkhon Muhibullayev.

Камолиддин Баёзий Таржимаи холи ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит 122

Maftuna Muminova.

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g’oyalarning manbaviy va milliy asoslari..... 130

Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufasssal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi 137

Zafar H. FAKHRIDDINOV,
*Head of the Department at the Imam Maturidi
 International Scientific Research Center, PhD.
 A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
 E-mail: z.faxriddinov@iaau.uz*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/2

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ТАФСИР ВА ТАЪВИЛ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

NAKIM TIRMIDHI'S VIEWS ON TAFSIR AND TA'WIL

ВЗГЛЯДЫ ХАКИМА ТИРМИЗИ НА ТАФСИР И ТА'ВИЛЬ

КИРИШ

Тафсир ва таъвил тушунчалари ўртасида умумийлик ва бир қадар зиддиятлар мавжуд. “Тафсир” деганда Қуръон оятларини кўпроқ ривоятларга таянган яъни “маъсур” тарзда шарҳлаш тушунилади. Тафсирнинг қисқа таърифига тўхталинадиган бўлса, тафсир деганда – оятдаги ақлга мос (маъқул) маънони баён қилиб, очиб, кўрсатиб бериш тушунилади. Истилоҳда эса, Қуръон оятларини тўғри шарҳлаш учун зарур бўлган бир қанча ўзига тегишли илмларни жамловчи комплекс фан дейиш мумкин. Тафсир ақлий (бир-раъй) ва нақлий (бил-маъсур) турларга бўлинади. Бу қисқача таърифда тафсир сўзининг бугунги кунда тушуниладиган истилоҳий маъносини англаш мумкин. Шунингдек, тафсир – Қуръонда кўзланган мақсадни инсон ўз ақли даражасида тушуниб, бошқаларга тушунтириб бериши, деб таърифланиши ҳам мумкин (Обидов Р., 2009:64).

Таъвил атамасига келсак, у луғатда бир нарсанинг аслига қайтиши, гапнинг таъвили эса унинг тадаббур қилиниши, салмоқлаб кўрилиши ва очиб берилишидир. Истилоҳда эса гапнинг айтилиши мақсади бўлмиш моҳиятига етиб боришини англатади (Қаттон М., 1990:316–317).

Имом Мотуридийга кўра, тафсир атамаси саҳобийларнинг шарҳига, таъвил эса фақиҳларнинг шарҳига нисбатан қўлланилади. Бунинг маъноси шуки, саҳобийлар вазиятнинг бевосита гувоҳи бўлиб, Қуръон нозил бўлган ишни (нузул сабабини) билганлар. Уларнинг оятга ўз кўзлари билан кўриб, бевосита гувоҳ

бўлиб, берган тафсири айтилиши ҳақиқатдир (Абу Мансур Мотуридий, 2005:84). Шунингдек, тафсир – муайян сўздан мақсад айнан шундай экани борасидаги қатъий ҳулоса бўлиб, унинг маъноси айнан шу экани ҳақида Аллоҳ номи ила гувоҳлик берадиган даражада ишончли бўлиши керак. Агар шундай кескин далил топилса, тўғри бўлади, аксинча бўлса, у фикрий тафсир бўлиб, бу нарсдан қайтарилган. Таъвил эса, эҳтимол қилинган маънолардан бирини танлаб олиш бўлиб, бунда қатъият ва Аллоҳ номи билан гувоҳлик бериш талаб қилинмайди (Суютий, 2008:759).

Демак, таъвилда бир қанча эҳтимоллардан бири танлаб олинади. Албатта, бу ўринда эҳтимоллар ўта ишончсиз ёхуд бири бошқасидан кўра кучсиз ёки кучли эканидан юзага келмайди. Балки, турли маъноларга далолат қилувчи бир қанча далилларнинг даражаси тенг келган ҳолда уларнинг орасидан энг лойиқ далил танлаб олинади. Қатъият талаб қилинмаслигининг сабаби эса, қолган далиллар ҳам кучсиз бўлмагани жиҳатидандир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Имом Мотуридий таъвил билан тафсир ўртасидаги фарқ – тафсир саҳобийнинг шарҳи, таъвил эса фақиҳларники, деган сўзининг маъносини янада очиб беради. Чунки саҳобийдан келган тафсирлар далил жиҳатидан тенг бўлса, уларнинг орасидан рожиҳ қавлни танлаб олиш фақиҳнинг ижтиҳодини талаб этади. Ижтиҳод маҳсули эса, ақлий фаолият натижаси бўлиб, у таъвилга мансубдир.

Таъвил фақатгина гапнинг маъносини очиб, шарҳлаб, баён қилиб берса тафсир сўзининг маънодоши бўлиб қолади. Аммо, таъвил гапнинг моҳиятини очиб беради, яъни айтилиши ўринда гапнинг сиёки (контексти) қайси маънони акс эттиришини англатади дейилса, тафсир билан таъвилнинг ўртасидаги фарқ янада аниқроқ кўзга ташланади. Имом Суютий келтирган таърифига кўра, тафсир – Аллоҳнинг Китобида аниқ ва саҳиҳ суннатда аёнлиги юзасидан маъноси очиқ-ойдин воқеъ бўлган изоҳ бўлса, таъвил уламоларнинг истинботи орқали юзага чиқади. Шу сабабдан баъзилар тафсир ривоятга тааллуқли нарса, таъвил эса дириятга (тафаккур) тегишли тушунчадир, дейдилар (Суютий, 2008:759).

Юқоридаги таъриф тафсир ва таъвилнинг бугунги кунда тушуниладиган маъносини тўлиқ

Аннотация. Тафсир ва таъвил тушунчаларининг маъноси борасида турли давр ва соҳа олимлари турфа фикрларини билдирганлар. Ушбу икки атаманинг бир-биридан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари ҳамда уларнинг таърифи борасида олимлар ўзаро зиддиятли ва уйғун қарашларни илгари. Жумладан, Ҳаким Термизий “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асарида тафсир ва таъвил борасида ўзига хос ёндошувни баён этиб, тафсир нақлга, таъвил эса ақлга таянишини амалда кўрсатиб берган. Асарда таъвил атамасига оид алоҳида боб ажратилган бўлиб, ушбу атаманинг луғавий ва истилоҳий маъноларини келтириб, қўлланилиш ўринларига кўра турлича маъноларга эга бўлишини очиб берган. Хусусан, таъвил сўзининг Қуръонда тафсир ва туш таъбири маъносига келганига алоҳида тўхталиб, ушбу маънолар атрофлича таҳлил қилинган. Олимнинг фикрича таъвил тушунчаси ҳар қандай ўринда ҳам мутлақ ижобий маънода қўлланилади.

Мақолада яна бир муҳим масала – Ҳаким Термизийда “важҳ” ва “вужух” атамаларининг таъвил билан боғлиқлиги очиб берилган. Чунки “Таҳсил назоир ал-Қуръон” услуб жиҳатидан сўзларнинг ички маъноларини, Қуръон луғатининг ва айни ўринда араб тилининг турмаънолиги, сўзларнинг омонимияси уларнинг ўзак хусусиятидан келиб чиқиши каби бир қатор муаммоларнинг ечимига бағишланган ва Қуръон атамаларининг моҳиятини очиб беришга йўналтирилган асардир. Ушбу назариянинг тўлиқ амалий ифодаси кейинчалик Имом Мотуридийнинг “Тавилот ал-Қуръон” асарида акс этганини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Калим сўзлар: Ҳаким Термизий, Таҳсил назоир ал-Қуръон, таъвил, тафсир, важҳ, вужух, Имом Мотуридий, Тавилот ал-Қуръон.

Abstract. Scholars of different times and fields expressed different opinions about the meaning of the concepts of tafsir and ta'wil. Regarding the differences and similarities between these two terms and their definition, scholars put forward conflicting and harmonious views. For example, Hakim Tirmidhi, in his work “Tahsil nazair al-Qur'an”, explained his unique approach to tafsir and ta'wil, and showed in practice that tafsir relies on narration, and ta'wil relies on reason. In the work, a separate chapter is devoted to the term ta'wil, citing the etymological and terminological meanings of this term, revealing that it has different meanings depending on the places of use. In particular, the word ta'wil comes in the meaning of exegesis and dream interpretation in the Qur'an, and these meanings are analyzed in detail. According to the scholar, the concept of ta'wil is used everywhere in an absolutely positive sense.

Another important issue in the article is that Hakim Tirmidhi revealed the connection of the terms “wajh” and “wujuh” with ta'wil. The reason is that “Tahsil nazair al-Qur'an” is a work dedicated to the solution of a number of problems such as the inner meanings of words, the purity of the Qur'anic vocabulary and the Arabic language at the same time, the origin of the homonymy of words from their core features, and the essence of the terms of the Qur'an. We can witness that the full practical expression of this theory was later reflected in Imam Maturidi's work “Ta'wilat al-Qur'an”.

Keywords: Hakim Tirmidhi, Tahsil nazair al-Qur'an, ta'wil, tafsir, wajh, wujuh, Imam Maturidi, Ta'wilat al-Qur'an

Аннотация. Ученые разных времен и направлений высказывали разные мнения о значении понятий тафсир и та'виль. Относительно различий и сходств между этими двумя терминами и их определением ученые выдвигали как противоречивые, так и согласованные взгляды. Например, Ҳаким Тирмизи в своем труде “Тахсиль назоир аль-Қур'ан” объяснил свой уникальный подход к тафсиру и та'вилю и показал на практике, что тафсир опирается на повествование, а та'виль – на разум. В труде отдельная глава посвящена термину та'виль, приводятся этимологическое и терминологическое значения этого термина, отмечается, что он имеет разное значение в зависимости от места употребления. В частности, слово та'виль имеет значение толкования снов в Коране, и эти значения подробно анализируются. По мнению ученого, понятие та'виль повсеместно употребляется в абсолютно положительном смысле.

Еще одним важным вопросом, который был затронут в статье является то, что Ҳаким Тирмизи раскрыл связь терминов “ваджҳ” и “вуджух” с та'вилем. “Тахсиль назоир аль-Қур'ан” – это труд, посвященный решению ряда проблем, касающихся сокрытых значений слов, чистота коранической лексики и, в этом смысле, арабского языка, связи омонимии слов с особенностями их корневого состава, а также освещению особенностей терминов Корана. В итоге выявляется, что полное практическое выражение этой теории позднее нашло отражение в труде имама Матуриди “Та'вилат аль-Қур'ан”.

Ключевые слова: Ҳаким Тирмизи, Тахсил азаир аль-Қур'ан, та'виль, тафсир, ваджҳ, вуджух, имам Матуриди, Та'вилат аль-Қур'ан

очиб бера олади, дейиш мумкин. Чунки, ҳозирги кунда оят шарҳи ривоятга таянсагина тафсир, деб тушунила бошлаган. Таъвил эса, кўпроқ, ақлий фаолият маҳсули, деб кўрилади. Шу жиҳатдан айрим фундаменталистик характерга эга оқимлар, айниқса, салафийлар таъвилнинг ҳар қандай кўринишини инкор қилишга ҳаракат қиладилар. Бу ўринда муаммо салафийларнинг Қуръондаги айрим сўзларни юзаки тушуниш ва тушунтиришга бўлган интилишларига бориб тақалади. Сабаби, айнан таъвил Қуръондаги сўзларнинг ва айниқса, атама сифатида, мажозда, муташобех тарзда келаётган ифодаларнинг асл маъносини очиб бериб, уларнинг юзаки тушунилишига йўл қўймайди. Шу билан бирга, муфассир ва тилшунос Абу Хилол Аскарӣда (920–1005) таъвил бу “муташобехнинг тафсири” (تفسير المتشابه به), деган ёндошув ҳам мавжуд (Кауа S. 2015:938). Бу эса ақидавӣ ҳукмларни баён қилувчи муташобех оятларнинг тафсирига таъвил дейилади, муташобех бўлмаган оятларнинг тафсири эса, гарчи, унда ижтиҳод унсурлари мавжуд бўлса-да тафсир бўлади, деган ҳулосага олиб боради. Бунга кўра тафсир умумийроқ атама бўлиб, у таъвилни ҳам ўз ичига олади, аммо таъвил тафсир бўла олмайди.

Қуръони каримда таъвилнинг маъносини билиш ҳақида бир қатор оятлар мавжуд. Улардан бирида хусусан:

وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ

“Унинг таъвилни Аллоҳдан ва илмда росих бўлганлардан бошқаси билмайди...” дейилган¹. Ушбу оятни айнан шундай, яъни илмда росих бўлганлар ҳам таъвилни биладилар, деб тушуниш лозимлигини саҳобӣ Ибн Аббоснинг ушбу оятдан сўнг:

أنا من الراسخين في العلم الذين يعلمون تأويله

“Мен ҳам илмда унинг таъвилни билувчи росихларданман” (Муҳаммад ибн Аҳмад Қуртубӣ, 2006), деган сўзларидан англаб олиш мумкин. “Росих” бир нарсани чуқур билувчи, теран англовчи маъносини англатади. Илк авлод мусулмонлардан Мужоҳид, Рабиъ ибн Анас, Муҳаммад ибн Жаъфар ҳам ўзларини таъвилни билувчи росихлардан бири сифатида айтиб ўтганлар.

Шу билан бирга, таъвил тўлиғича диroyт – яъни фаҳмга таяниши мумкинлигига Ибн Аббос Наср сурасининг маъноси ҳақидаги айтган гаплари мисол бўла олади. Умар ибн Хаттоб унга катта саҳобӣларнинг олдида Наср сурасининг

маъносини баён қилиб беришни таклиф қилганда, у бунинг маъноси Пайғамбарнинг тез кунда вафот этиши эканини айтган. Ваҳоланки, суранинг луғавӣ мазмунида ҳам, ушбу таъвилни эшитган саҳобӣларда ҳам бунга далолат қилувчи далил ёки ривоят мавжуд эмаслиги, улар бу маънони илк бор Ибн Аббосдан эшитганлари қайд этилади (Бухорӣ, 199:360–361).

МУҲОКАМА

Ҳаким Термизӣ “Таҳсил назоир ал-Қуръон”да ўзи раддия бераётган асаридagi сўзларга берилаётган маънони “тафсир қилинган” (مفسرة), муаллифнинг сўздан иқтибос келтираётганда эса, “сўнгра унинг тафсири бундайлигини топдик” (ثم وجدنا تفسيره) ёки “Аммо унинг тафсиридаги гапига келсак” (أما قوله) кабилидаги жумлаларни ишлатган. Яъни, у номаълум (аноним) асардан иқтибос келтирар экан, ундаги “важҳ”лар баён қилинган жумлаларни тафсир, деб атайди. Аммо, ўзи бирор сўзнинг “важҳи”ни яъни маъносини баён қиладиган бўлса, уни “таъвил”, деб атайди. Мазкур ҳолатни “аз-зикр”, “ал-хавф”, “ас-салāt”, “ал-катб”, “ал-маърӯф”, “ат-тағӯт”, “ба’сā’у ва зарра’у”, “ал-хāсирӯн”, “ал-иститоат” каби сўзларнинг шарҳида кўриш мумкин.

Айрим ўринларда Ҳаким Термизӣ ўзи келтирган фикрларга нисбатан “тафсир” атамасини ҳам қўллаган. Бундай жумлаларга эътибор бериб қаралса, улардан кейин жумлани қувватловчи оят келтирилганига гувоҳ бўлинади. Аммо муайян бир сўзнинг “таъвили” дейилган ўринларда оятдан мисол келтирилмаган. Бу ҳолат Имом Мотуридӣнинг тафсир қатъӣ далилга таяниши, таъвил эса эҳтимоллардан муносиби танлаб олиниши тўғрисидаги қарашига мувофиқ келади. Айни мувофиқлик Ҳаким Термизӣ “Таҳсил назоир ал-Қуръон”да таъвил ва тафсирнинг фарқини аниқ ажратиб қўллаганини кўрсагади.

Ҳаким Термизӣ таъвил деганда нимани назарда тутганини янада аниқроқ англаб етиш учун, унинг ушбу атамага нисбатан қўллаган изоҳларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Ҳаким Термизӣ ҳам “Таҳсил назоир ал-Қуръон”да таъвилнинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтади. Асардаги қирк учинчи “назоир” (43) бобида айнан “ат-тавил”

¹ Оли Имрон:7 // Қуръони карим.

сўзининг “важх”лари санаб ўтилади. Ҳақим Термизий аввало таъвилнинг луғавий маъносини батафсил баён қилиб беради. Сўнгра унинг ботиний маъноларини ҳам очиб беради. Унга кўра, таъвил – нарсанинг аввалбошини талаб қилишдир. Ким ишларнинг аввалбошини ва қилмишларнинг аввалини англаса, демак, унинг таъвилини ҳам идрок этади. Ишларнинг аввали Аллоҳ тақдирларни белгилаган ва яратикларни зулматда яратган кунида изҳор қилган ибтидо илмида мавжуддир. Ким ишларнинг аввалини англаса, улар таъвилларни ҳам идрок этадилар. Яъни нарсаларнинг асл моҳиятини Аллоҳ нурунинг фазли ила идрок этадилар (Ҳақим Термизий, 1969:115).

Юқоридаги таърифдан маълум бўладики, Ҳақим Термизий таъвил тушунчасини аввалбошданок мутлақ ижобий маънода баён қилади. Таъвилларни англовчилар Аллоҳнинг нури фазлидан насибадор, ладуний илм (истеъдод) соҳиблари сифатида кўрилади. Таъвил курук ақлий изланишларнинг маҳсули эмас, балки, Аллоҳнинг бандога бўлган марҳамати натижаси ўларок, муайян ўриндаги Унинг хоҳиш-истагини англашдир.

Демак, Ҳақим Термизийга кўра, таъвил мутлақ ижобий тушунча сифатида баҳоланади. Аммо таъвилни англаш мазкур илмга лойиқ даражадаги шахсларнинг иқтидори доирасидаги масала бўлиб, барча ҳам бундай талабга жавоб бера олмайди.

Ҳақим Термизий Қуръонда келган таъвилнинг биринчи важҳини тафсир (التفسير) билан айнан бир маънода, деб изоҳлайди. Чунки таъвил Қуръонда маъноси яширин бўлиб турган ўринлардан тўсиқларни очиб ташлайди ва сўзнинг маъно-мақсади ойдинлашади.

Таъвилнинг Қуръондаги иккинчи маъноси (تعبير الرؤيا) туш таъбири² бўлиб, Ҳақим Термизий буни тушнинг таъбир қилишга ва уни ҳақиқат тилига ўгириб берувчи таъбирчига муҳтож кўчма маънодаги масаллардан иборат экани билан изоҳлайди. Яъни таъбир қилувчи Аллоҳ тушда ташбеҳ йўли ила зарбулмасалини берган ишининг (أمر الله الذي ضرب أمثاله) моҳиятига етиб боради. Айнан ўша нарса ишнинг аввали (أول الأمر) бўлиб, бу ўринда зарбулмасал иккиламчидир. Таъвил яъни таъбир қилувчи уни аввали”га ўгиради. “Аввали” эса “Лавҳ ал-маҳфуз”да тақдир қилинган нарсадир (Ҳақим Термизий, 1969:116).

² Юсуф:44; 100. // Қуръони карим

Ҳақим Термизий юқоридаги таъбирида ўз услубига кўра таъвил сўзининг ўзаги “аввал” сўзига тақалашини ишора қилади. Бу ўринда эътибор бериш лозим бўлган асосий нуқта – таъбирнинг таъвил сўзи билан ифодаланиши сабаби таъбир қилиниши лозим бўлган нарсанинг мажоз ва ташбеҳ йўли билан ифодаланганидир. Яъни маъноси юзаки, очик-ойдин турган нарсанинг таъвилга эҳтиёжи бўлмайди. Туш эса мажоз ва ташбеҳ ҳамда зарбулмасаллардан ташкил топади. Уни “аввали”га яъни мақсадига қайтариб, моҳиятини очиб бериш эса таъвил, дейилади. Бу қарашни қоида, деб олинадиган бўлса, Қуръондаги муташобеҳ оятлар албатта таъвил қилиниши керак, деган хулоса келиб чиқади. Чунки муташобеҳнинг зоҳири худди зарбулмасал каби моҳиятни ифода қилмайди, унинг моҳиятини очиб бериш зарурати мавжуд.

Имом Мотуридий Аллоҳни тушда кўриш мумкин эмаслиги борасида тўхталганида, тушда кўрилган нарсалар хаёл ва мисоллардан иборат бўлиши, Аллоҳ эса бундай нарсалардан пок эканини таъкидлаб ўтган (Али Қорий, 2021:268).

Ҳақим Термизий таъвил сўзига келтирган “важх”ларнинг учинчиси бу – “натижа-оқибат” (العاقبة) англамидир. Чунки натижа ва оқибат ишнинг аввалига боғлиқдир. Қуръони каримнинг Исро сураси 35-оятда: “Ўлчаганингизда ўлчовга хиёнат қилманг ва тўғри тарозу билан тортинг – мана шу яхши ва энг гўзал натижадир (أحسنُ تأويلاً)” дейилган. Бу ўринда аввали тўғри бўлган ишнинг натижаси ҳам тўғри бўлишига ишора қилинмоқда.

Ҳақим Термизий – таъвил сўзига келтирган тўртинчи “важх”– “қайтиш ўрни” (الرجع) бўлиб, у ишнинг “аввалбошда” бошланиши бўлиб, бирор нарса қайтиши учун албатта у бошланган жой бўлиши шарт. Чунки ортга қайтиш учун энг аввало у қайтиладиган ўридан келинган бўлиш керак. Бу ҳақида Қуръони каримнинг Нисо сураси 59-оятда баён қилинган бўлиб, мусулмонлар орасида бирор сабаб билан низо юзага келса, уни Аллоҳ ва Пайғамбарга қайтариш буюрилган ва бу “яхши ва гўзал қайтиш (أحسنُ تأويلاً)”, деб таърифланган.

Таъвил сўзининг бешинчи ва энг охириги “важх”и – ҳақиқат (الحقيقة) яъни моҳият бўлиб, ишларнинг аввали Ҳақдан бошланиб, уларнинг ҳақиқати охиридир. Аввали охирига чамбарчас боғлиқдир. Яъни ишларнинг аввали Ҳақ таолонинг иродасидан бўлгани учун охири ҳам унинг иродасига тобедир. Бунинг ҳақиқатини, яъни моҳиятини англаш учун аввало Ҳақни таниш лозим бўлади.

Таъвил атамаси Ҳаким Термизийнинг “вужух ва назоир”га оид асар ёзган салафларидан фақатгина Ҳорун ибн Мусонинг “ал-Вужух ва ан-назоир фил-Қуръон ал-карим” асарида учрайди. Аслида бу масалада Ҳаким Термизий билан энг кўп мувофиқ келган муаллиф айнан Ҳорун ибн Мусо бўлиб, албатта бу ўхшашлик, “Таҳсил назоир ал-Қуръон” айнан унга раддия сифатида ёзилган бўлиши мумкин, деган эҳтимолни юзага келтиради. Аммо фақатгина Ҳаким Термизий ва Ҳорун ибн Мусода учрайдиган “таъвил” атамасини солиштириб кўрилса ҳам уларнинг баён қилган “важҳ”лари бир-бирига тўлиқ мос келмаслиги аён бўлади:

Назоир №43: “ат-Та’вил” важҳлари		
№	Ҳаким Термизий	Ҳорун б. Мусо
1	<i>ал-тафсӣр</i>	<i>ақибат</i>
2	<i>таъбӣр ар-ру’йә</i>	<i>мунтаҳә</i>
3	<i>ал-’ақибат</i>	<i>та’бӣр ар-ру’йә</i>
4	<i>ар-маржа’</i>	<i>тахқӣқ</i>
5	<i>ал-ҳақӣқа^м</i>	<i>алвән</i>

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, “назоир”лар мувофиқ келса ҳам “важҳ”ларнинг кетма-кетлиги ва номланишида катта фарқ бор. Ҳорун ибн Мусо бештадан иккита важҳдагина (2/5) Ҳаким Термизийга мувофиқ келган. Қолган учта важҳда улар ўзаро муҳолиф саналадилар. Муқотил ибн Сулаймон (Муқотил ибн Сулаймон, 2005) ва Яҳё ибн Саломда ушбу “назоир” мутлақо учрамайди. Шу жиҳатдан, Ҳаким Термизий раддия берган муаллиф аноним мақомида қолади.

Турк олими Сулаймон Қоянинг маълумот беришича, Муқотил ибн Сулаймоннинг мисрлик олим Абдуллоҳ Маҳмуд Шиҳота томонидан тадқиқ қилиниб, “ал-Ашбоҳ ва ан-назоир” номи билан чоп этилган, шунингдек, туркиялик яна бир олим Али Ўзак томонидан нашрга тайёрланиб, “Китоб ал-вужух ва ан-назоир” номи остида чоп этилган иккита нашрида “ат-таъвил” сўзи 26-назоир сифатида кўрсатилган (Кауа S., 2016:72).

С.Қоя бошқа бир тадқиқотида Муқотил ибн Сулаймон асарининг мазкур нашрларида “ат-та’вил” сўзига келтирилган “важҳ”ларни ҳам келтириб ўтган (Кауа S., 2015:932). С.Қоя келтирган “важҳ”лар жойлашув тартибини истисно қилганда Ҳорун ибн Мусоник билан бир хил. Уларни Ҳаким Термизий билан солиштирилса, қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

Назоир №43: “ат-Та’вил” важҳлари		
№	Ҳаким Термизий	Муқотил б. Сулаймон
1	<i>ал-тафсӣр</i>	<i>’мунтаҳә</i>
2	<i>таъбӣр ар-ру’йә</i>	<i>’ақибат^м</i>
3	<i>ал-’ақибат^м</i>	<i>та’бӣр ар-ру’йә</i>
4	<i>ар-маржа’</i>	<i>тахқӣқ</i>
5	<i>ал-ҳақӣқа^м</i>	<i>алвән</i>

Муқотил ибн Сулаймонга тегишли, деб кўрсатилган асардаги “назоир” ва “важҳ”лар ҳам Ҳаким Термизий келтирган “важҳ”ларга мувофиқ келмайди. Аммо Муқотил ибн Сулаймоннинг асарини тадқиқ қилиб, нашрга тайёрлаб, 2005 йилда “ал-Вужух ва н-назоир фи-л-Қуръон ал-азим” номи билан чоп этилган ироқлик олим Ҳотим Солиҳ Зомин нашр муқаддимасида ушбу асар илгари “ал-Ашбоҳ ва н-назоир” номи билан хато тарзда нашр қилинганини айтиб, нашрдаги бир қатор хатоларни қисқа, аммо кескин оҳангда танқид қилиб, ўз нашрида тўғрилаб чиқилган ўринларни ҳам қисқа келтириб ўтади. Ношир А.Шиҳота экани аниқ бўлса-да, Ҳ.Зомин унинг исмини зикр қилмаган, аммо унинг нашрига қатъий ишончсизлик билдирган (Муқотил ибн Сулаймон, 2005:8–10). Шу жиҳатдан ушбу нашрга таяниб бўлмайди ва Муқотил ибн Сулаймонда “ат-таъвил” учрамайди, деган хулосага келинди.

Яна бир муҳим масала Ҳаким Термизийда “важҳ” ва “вужух” атамаларининг таъвил билан боғлиқлигида намоён бўлади. Чунки “Таҳсил назоир ал-Қуръон” услуб жиҳатидан сўзларнинг ички маъноларини, Қуръон луғатининг ва айни ўринда араб тилининг пурмаънолиги сўзларнинг ўзак хусусиятидан келиб чиқиши каби бир қатор муаммоларнинг ечимига бағишланган ва моҳиятни очиб беришга йўналтирилган асардир. Ҳаким Термизий “важҳ” деганда айнан моҳиятни тушунади ва тушунтиради. Бу унинг таъвил сўзига берган шарҳларига тўла мувофиқ келади. Яъни Ҳаким Термизийга кўра “важҳ” бу – сўзнинг таъвилдир. Ҳаким Термизийга кўра таъвил бу – мажознинг ҳақиқатини, ташбеҳнинг моҳиятини, ишнинг мақсадини очиб беришдир.

Масаланинг моҳиятини янада аниқроқ англаш учун Қуръон таъвиллари бўйича энг йирик фундаментал асар яратган Имом Мотуридийнинг “Таъвилот аҳл ас-сунна” асарига мурожаат қилинадиган бўлса, у ерда айнан “важҳ” ва

“вужух” сўзлари ниҳоятда кўп қўлланилганига гувоҳ бўлинади. Имом Мотуридий тафсир ва таъвилнинг фарқини тушунтирганида ҳам “важҳ” масаласини ҳал қилувчи омил сифатида кўрсатган:

فالتفسير ذو وجه واحد والتأويل ذو وجوه

“Тафсир битта “важҳ”га эга, таъвил эса, кўплаб “важҳ”ларга эгадир” (Абу Мансур Мотуридий, 2005:4/85).

Маълум бўладики, тафсир деганда муайян бир қатъий маънога эга шарҳ тушунилади. Унинг бир неча маъноларни англатиши эҳтимоли бўлмайди. Таъвил эса бир неча маъноларни англатиши мумкин. Муайян ўринга айнан қайси маъно лойик (рожих) экани ижтиҳод билан танлаб (таржих) олинади. Бу масалада Имом Мотуридий таъвилни ишнинг якуни (منتهى الأمر) баёни, деган маъносини ҳам айтиб, Басра тил мактаби вакили, тил ва адабиёт илмининг имоми, деб танилган Абу Зайд Ансорийнинг (743–830) “Агар бу ўзидан ўзганинг гапи бўлса “важҳ”ларнинг (الوجه) унисига ёки бунисига йўналтирилиб (توجه), у (яъни таъвил) гап қайси томонга йўналган бўлса ўша жиҳатга йўналтиришдир (توجيه الكلام)”, деган сўзларини ҳам келтириб ўтган (Абу Мансур Мотуридий, 2005:4/85).

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган мисолларни умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, Қуръон илмларидаги “важҳ” ва “вужух” таъвил жараёни билан бевосита боғлиқ тушунчадир. Қуръон сўзларидаги “важҳ”лар таъвил қилиш мумкин бўлган “эҳтимол”ларнинг барчасини ўз ичига олади. Таъвил қилувчи фикрига таяниб эмас, сўзнинг мавжуд “важҳ”ларидан бирини танлаб олиш натижасида оятнинг асл маъносини ва муродини очиб беради. Айнан мавжуд “важҳ”лардан тўғри ва лойик маънони танлаб олишга тўғри таъвил деб баҳо бериш мумкин. Қуръондаги “назоир” ва “важҳ”ларни билишнинг аҳамияти таъвилни тўғри амалга оширишнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

Ҳақим Термизийнинг “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асари айнан таъвил методологиясини очиб берувчи асар, деб баҳолаш мумкин. Сабаби, Ҳақим Термизий ўзидан аввалги муаллифлардан фарқли равишда Қуръондаги сўзларнинг турли маъноларини лафзий шаклдошлик нуқтаи назаридан факт констотацияси ўлароқ мисол

тариқасида тақдим этиб кетавермасдан, балки, ҳар бир сўзнинг туб моҳиятига стишга, ўзагига эътибор беришга, берилаётган маъноларни сўзнинг ички хусусиятларидан чиқариб олишга ундайди. Унинг таъвил методи содда ва шаклан ўхшашликни рад этади ҳамда сўзларнинг кўплаб маънолари бўлиши мумкинлигини табиий қабул қилишни ўргатади. Унинг назариясига кўра, ҳидоят баённинг синоними эмас, шу билан бирга ҳидоят кўп маъноли омонимлардан бири ҳам эмас, балки, ҳидоят сўзининг ўзида, ўзагида баён хусусияти бор. Ҳидоятнинг ишлаш жараёнида баён – равшанлик, очиқ-ойдинлик юзага келади. Баён ҳидоятнинг натижаси бўлгани учун ҳам ҳидоят баъзи ўринларда баён деб тушунилиши мумкин. Қолган сўзларда ҳам айни шу қоида ишлайди. Ҳеч бир сўз ўз-ўзидан ва мутлақо сабабсиз бошқа маного эга бўлиб қолмайди.

Сўзлардаги кўпмаънолиликни сўзнинг табиий хусусияти деб қабул қилиш муташобеҳ оятларнинг таъвил қилинишини табиий қабул қилишга ўргатади. Бу эса Аллоҳнинг муташобеҳ сифатларини ҳарфий ва юзаки-сатҳий талқин этишни тарғиб қилинишига интилаётган ва таъвилни инкор қилувчи радикал ёндошувга эга оқим ва тоифаларга қарши энг кучли фикрий раддия бериш хусусиятини шакллантиради.

Ҳақим Термизий таъвилда ақлнинг ўрнини қатъий эътироф этади:

وأهل الأهواء بسوء التأويل ضلوا لم يعقلوا اللغة ولم يفهموا المعاني ولهم نفوس مظلمة يجرّفون الكلم عن مواضعه بظلمة أهوائهم وقلوبهم ومن قل فهمه أو عزب عنه في وقت ساء تأويله.

“Ҳавоий кимсалар тилга ақллари етмай, маъноларни тушунмай, хунук таъвиллари билан йўлдан адашиб кетдилар. Уларнинг нафслари тунд бўлиб, хоҳишлари ва қалблари тундлигидан сўзларни ўз ўрнидан ўзгартирадилар. Ҳар ким фаҳми кам ёки ундан кетган бир вақтда таъвилни ёмон бўлади” (Термизий, 1990:34–35).

Таъвил манбаига кўра “диroyт” яъни ақл-тафаккур маҳсули бўлса-да, у матннинг асосиз тўқима талқини эмас, балки шаръий эътирозга сабаб бўла олмайдиган табиий хусусиятидир. Бу хусусиятдан ислом олимлари томонидан Қуръоннинг мўъжизакорлиги белгиларидан бир сифатида баҳоланиб келинган. Бу эса таъвилни инкор қилувчи тоифаларнинг даъволарини йўққа чиқарадиган далил бўла олади. “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асари Ҳақим Термизийнинг таъвил назариясининг айни жиҳатларини очиб беради.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жалолудин Суютий. (2008). Ал-Иткон фи улум ал-Қуръон. Байрут: Муассаса ар-рисола.
2. Kaya S. (2015). Vücûh ve Nezâir Kitapları Bağlamında Kur’anda Te’vîl Kavramı. İnsan ve toplum bilimleri araştırmaları dergisi. Cilt: 4, Sayı: 4.
3. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад Қуртубий. (2006). Ал-жоме ли-аҳком ал-Қуръан. Ж. 5. Байрут: муассасатул рисала.
4. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. (1995). Қуръон тафсири китоби // ал-Жоме ас-саҳих. – Тарж. Р.Обидов. Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти.
5. Ҳаким ат-Термизий. (1969). Таҳсил назоири-л-Қуръон. Нашрга тайёрловчи Ҳусний Зайдон. Қоҳира: Матбаату-с-саода.
6. Мулла Али Қорий. (2021). Ал-Фикҳ ал-акбар шарҳи. Тошкент: ЎзХИА НМБ.
7. Муқотил ибн Сулаймон. (2005). ал-Вужух ва-н-назоир фи-л-Қуръон ал-азим. Ҳ.С.Зомин нашрга тайёрлаган. Бағдод-Дубай: Марказ Жумъа ал-Можид.
8. Kaya S. (2016). Hakîm Tirmîzî’de vücûh ve nezâir. Istanbul: Ragbet.
9. Kaya S. (2015). Vücûh ve Nezâir Kitapları Bağlamında Kur’anda Te’vîl Kavramı. İnsan ve toplum bilimleri araştırmaları dergisi. Cilt: 4, Sayı: 4.
10. Hakim at-Termizi. (1990). Kitab al-Akyas val-mug’tarrin. Preparer for publication: A.Sayeh., S.Jamili. Bayrut: Dor al-jayl.
11. Obidov R. (2009). Qur’on mavzularining ma’naviy-tarixiy ahamiyati. Tashkent: Toshkent islom universiteti.
12. Qattan M. (1990). Al-Mabahis fi ulum al-Qur’an. Cairo: Maktaba vahbiya.
13. Abu Mansur Maturidi. (2005). Ta’vilat ahl as-sunna. Istanbul: Dar al-mezon.

REFERENCES

1. Jalaluddin Suyuti. (2008). Al-Itqan fi ulum al-Qur’an. Beirut: Muassasa ar-risola.
2. Kaya S. (2015). Vücûh ve Nezâir Kitapları Bağlamında Kur’anda Te’vîl Kavramı. İnsan ve toplum bilimleri araştırmaları dergisi. Cilt: 4, Sayı: 4.
3. Abu Abdullah Muhammad ibn Ahmad Qurtubiy. (2006). al-Jome li-ahkam al-Qur’an. Vol. 5. Beirut: muassasatul risala.
4. Muhammad ibn Ismoil Bukhari. (1995). Qur’an tafsiri kitobi // al-Jome as-sahih. Translator: R.Obidov. Tashkent: Qomuslar bosh tahririyati.
5. Hakim at-Termizi. (1969). Tahsil nazoiri-l-Qur’an. Preparer for publication: Husniy Zaidan. Cairo: Matbaatu-s-saada.
6. Mulla Ali Qori. (2021). Al-Fiqh al-akbar sharhi. Tashkent: O’zXIA NMB.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

E-mail: info@moturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами АІ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.